

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёевга**

**“Буюк аجدодлар мероси – Учинчи Ренессанс пойдевори”
VIII Халқаро конгресси иштирокчиларининг
МУРОЖААТИ**

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сизнинг “Буюк аждодлар мероси – Учинчи Ренессанс пойдевори” VIII Халқаро конгресси иштирокчиларига мурожаатномангизни катта ҳаяжон билан тингладик.

Камтарона меҳнатимиз шундай юксак баҳоланганидан фахрланамиз ва бунинг учун сизга чин дилдан миннатдорлик билдирамиз! Сизнинг самимий муносабатингиз бизни янги кашфиётлар ва ютуқлар сари руҳлантиради.

Биз, ҳамфикрларингиз сифатида Янги Ўзбекистонда “Учинчи Ренессанс” деб ном олаётган барча жабҳаларда, жумладан, таълим, фан, маданият ва маърифат соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Янги Ўзбекистон илм-фан ва таълим марказларидан бири сифатида жаҳон миқёсида тобора шуҳрат қозонмоқда. Юксак маънавият, таълим-тарбия, шунингдек, мамлакат маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш давлатнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажак барпо этишнинг гаровидир, деган фикрингизга тўлиқ қўшиламыз.

Сиз илм-фан ва санъатни ривожлантириш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтариб, дунёнинг кўплаб давлатларидан фуқаролик жамиятининг фаол вакиллари, ижтимоий масъулиятли бизнес, ташкилотлар, олимлар ва экспертларни бирлаштирган улкан лойиҳаларни амалга оширмоқдасиз. Бунга 40 та мамлакатдан 350 дан ортиқ тадқиқотчилар аъзо бўлган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг фаолияти ёрқин мисол бўла олади. Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётган “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида”

номли ноёб ва ўхшаши йўқ лойиҳа ва унинг 80 жилд нашрларининг Конгрессимиздаги тақдимоти ана шундай ҳамкорлик самараси бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан сўзлаган нутқингизда муқаддас ислом динининг эзгулик ва инсонпарварлик дини эканлиги, у маънавий камолотга даъват этишини таъкидлаганингиз халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди. Ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси бунинг ёрқин намунасидир. Замонавий дунё ана шундай эзгу қаҳриқларга айниқса муҳтождир.

Биз Сизнинг ташаббусларингизни тўла қўллаб-қувватлаймиз ва Ўзбекистоннинг маданий меросини жаҳон цивилизацияси учун асраб-авайлаш бўйича кенг қўламли лойиҳаларнинг энг фаол иштирокчиларига айланишга тайёрмиз.

Шу боис ҳам бу йилги Конгрессимиз бутунлай ноёб муаллифлик мега-лойиҳангиз – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини қўллаб-қувватлашга бағишланди. Конгресс давомида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом ал-Бухорий илмий-маърифий марказида барпо этилаётган маҳобатли иншоотлар билан танишиб, бетакрор маданий объектлардаги мисли кўрилмаган кенг қўламли қурилиш ва реконструкция ишларининг гувоҳи бўлдик.

Конгрессда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг “Йўл харитаси” тақдимоти ва Янги Ўзбекистонда нашр этилган китобларнинг махсус ташкил этилган кўргазмалари бўлиб ўтди. Конгресс доирасида ТУРКСОЙ ташкилоти билан ҳамкорликда "Жаҳолатга қарши маърифат орқали курашиш" шиори остида "Маданий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштиришда кино ва медианинг ўрни" мавзусида халқаро форум ҳам ўтказилиб, унда Сизнинг ташаббусингиз билан қабул қилинган "Тирик тарих" туркумига оид 55 та фильм яратиш бўйича ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа тақдим этилди. ТУРКСОЙ ташкилоти форуми якунлари бўйича Туркий дунё мамлакатларининг Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қошида ягона кино-медиа платформасини яратиш тўғрисида Меморандум имзоланди.

Конгресс давомида Ислом цивилизацияси марказини сифатли контент билан бойитишга қаратилган қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича 300 дан ортиқ маъруза, таклиф, интервью, баёнот ва тақдимотлар тингланди.

Биз нафақат Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятига қўшилиш, балки Шарқда илм-фан ва маърифатнинг ёрқин машъалига айланадиган кучли илмий-маданий платформа яратишни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Айнан шу боис биз Самарқанд декларациясини бир овоздан қабул қилдик ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти билан биргаликдаги фаолиятимиз учун лойиҳаларни тасдиқладик.

Дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан 1000 дан ортиқ тадқиқотчи ва олимлар ишлаётган 150 дан ортиқ янги лойиҳалар юртингиз алломаларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида дунёга мутлақо янги билим ва маълумотлар беради. Мазкур лойиҳалар доирасида яратилаётган илмий кашфиётлар ва ютуқлар Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази кўргазмалари мазмунини янада бойитиши шубҳасиз.

Биз, VIII Халқаро Конгресс иштирокчилари, ўтмишнинг буюк мутафаккирлари қолдирган буюк меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш борасидаги шарафли ва масъулиятли ишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан ҳар томонлама фахрланамиз. Зеро, Ўзбекистоннинг маданий мероси бутун инсониятнинг бойлигидир.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистонда илм-фан ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган машаққатли фаолиятингизга яна бир бор чуқур ҳурматимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаҳон миқёсида ва энг юқори стандартларга мувофиқ ташкил этилган VIII Халқаро Конгресс учун чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз. Сизнинг ташаббусингиз ва бевосита иштирокингиз билан барпо этилган Silk Road Samarkand сайёҳлик мажмуаси туризм маркази ўзининг меъморий ечимлари ва хизмат кўрсатиш даражаси билан бизни ҳайратга солди.

Сизни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Мустақиллиги куни билан чин қалбдан табриклаймиз! Ўзбекистон Республикаси халқи фаровонликда, тинчлик ва осойишталикда яшашига ишонч билдирамиз! Сизга мустаҳкам

саломатлик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва тараққий эттириш йўлидаги
тинимсиз саъй- ҳаракатларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз

**Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва
оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг VIII Халқаро
конгресси иштирокчилари, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш,
сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (WOSCU)
аъзолари.**

Самарқанд,

2024 йил 26 август